

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.FM.60.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОХУЖАЕВ КУДРАТ УМАРОВИЧ

**КРИСТАЛЛ ВА ШИШАСИМОН ХАЛЬКОГЕН
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРДАГИ Sn МАРКАЗЛАРИНИ ЎЗARO ЭЛЕКТРОН
АЛМАШИНУВИНИНГ МЕССБАУЭР ТАДҚИҚИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Бобохужаев Кудрат Умарович

Кристалл ва шишасимон халькоген яримўтказгичлардаги Sn
марказларини ўзаро электрон алмашинувининг мессбауэр тадқиқи .. 3

Бобохужаев Кудрат Умарович

Мессбауэровское исследование электронного обмена между центрами
олова в кристаллических и стеклообразных халькогенидных полупро-
водниках 21

Bobokhujaev Kudrat Umarovich

Messbauer study electron exchange between impirute centries Sn in
cristalled and glassed chalcogenide semiconductors 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.FM.60.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОХУЖАЕВ КУДРАТ УМАРОВИЧ

**КРИСТАЛЛ ВА ШИШАСИМОН ХАЛЬКОГЕН
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРДАГИ Sn МАРКАЗЛАРИНИ ЎЗARO ЭЛЕКТРОН
АЛМАШИНУВИНИНГ МЕССБАУЭР ТАДҚИҚИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/FM32 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Зайнабидинов Сирожидин физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	Тураев Эргаш Юлдашевич физика-математика фанлари доктори, профессор Дадамирзаев Муҳаммаджон Ғуломқодирович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.28.02.2018.FM.60.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz, Андижон давлат университети мажлислар зали)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Р. Алиев

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси
ўринбосари, т.ф.д., профессор

А.О. Курбанов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м.ф.н.

И.А.Каримов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ҳозирги вақтда яримўтказгичли материаллар асосида турли қурилмалар яратиш ва ушбу материалларга зарар келтирмаган ҳолда уларнинг миқдорий таркибини интенсив аниқлаш бўйича жадал илмий текшириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу аспектда кристалл ва шишасимон яримўтказгичларда қалай марказлари ўртасидаги электрон алмашинувнинг Мессбауэр тадқиқи асосий масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда халькогенидли шишасимон яримўтказгичларда юз берувчи физик жараёнларни чуқур ўрганиш, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади: қалай билан легирланган $(As_2Se_3)_{1-z}(SnSe)_z$, $(GeSe)_x$, $Pb_{1-x}Sn_xS$, $Pb_{1-x}Sn_xSe$ намуналар олиш технологиясини ишлаб чиқиш; кристалл ва шишасимон халькогенидли яримўтказгичларнинг миқдорий таркибини материалга зарар келтирмаган ҳолда рентгенофлуоресцент анализ ёрдамида аниқлаш ва ушбу усулни такомиллаштириш; кўрғошин халькогенидидаги қалай киришмасининг икки электронли марказларини микроскопик параметрларини аниқлаш.

Мамлакатимизда илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларда, жумладан, «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш»да халькогенидли шишасимон яримўтказгичларни ўрганиш бўйича муҳим натижалар олинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига, жумладан, халькогенидли шишасимон яримўтказгичлар асосида оптик электрониканинг амалий эҳтиёжларига мос келувчи янги материаллар олиш ва улардаги физик жараёнларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4997-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг «III. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда ҳам халькогенидли шишасимон яримўтказгичлар, айниқса, қалай билан легирланган кўрғошин халькогени жуда кўп тадқиқотлар предмети бўлиб келмоқда.

Л.В. Прокофьев ва унинг ходимлари натрий билан легирланган $Pb_{1-x}Sn_xS$ ва $Pb_{1-x}Sn_xSe$ асосидаги қаттиқ қоришмаларда ток ташувчилар концентрациясининг қалай миқдорига боғлиқлигини ва ковакларнинг кинетик хоссалари ўзгаришини аниқладилар. Кўрғошин ва теллур халькогенидида С.А.Немов ва Ю.И.Равич таллий киришмаси, А.И.Арташкин ва бошқалар ваннадий киришмаси, В.М.Мастеров ва Ф.С.Насреддинов қалай киришмаси хоссасини ўрганишди.

Аммо ҳозиргача бажарилган назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг кўплигига қарамадан, халькогенид шишасимон яримўтказгичларда киришма атомларни аномаль хоссаси билан боғлиқ муаммолар тўлалигича ечимини топгани йўқ. Бунинг асосий сабаби яримўтказгичларда киришма атомларнинг зарядли ҳолатларини, уларнинг матрицадаги ўрни, атрофидаги симметрияни аниқловчи тўғридан тўғри методикаларнинг камлиги бўлса, уларни шишасимон халькоген яримўтказгичларга қўллаш имконининг чегараланганлигидир.

A.J.F.Boyle¹, C.Hohenemser² ва R.M.Housley³ ўз илмий тадқиқотларида Мессбауэр спектроскопиясидан атомларнинг зарядли ҳолатларини яъни валентлигини аниқлашда фойдаланишди.

Бугунги кунда Санкт-Петербург (Россия) олимларидан академик Г.А.Бордовский ва профессор П.П.Серегин раҳбарлигида халькогенидли яримўтказгичларда киришма атомларини зарядли ҳолатларини Мессбауэр спектроскопияси усулида аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Аммо ҳозиргача бажарилган илмий тадқиқот ишларида қалайнинг битта намунадаги ҳароратга боғлиқ ҳолдаги ноодатий ҳолатлари, Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} (нейтрал ва икки қарра ионлашган U^- –марказлар) зарядли ҳолатлари ўртасидаги электрон алмашинув, кенг ҳарорат интервалида халькогенли шишасимон яримўтказгичларда оралик Sn_6^{3+} зарядли ҳолатнинг мавжуд эмаслиги етарли ёритилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети ва А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университетини (Санкт Петербург, Россия) илмий тадқиқот ишлари режасининг «Шишасимон халькоген яримўтказгичларда манфий корреляцион энергияли икки электронли марказларнинг идентификацияси» (2011-2014 йй) №01201058815 ва «Нано-структураларда ва структуравий – тартибсиз ярим ўтказгичларда икки электронли нуктавий

¹ A.J.F.Boyle e.a. Proc.Phys.Soc. 1961. v77. P.129

² C.Hohenemser Phys.Rev.1965.v139A. p.185.

³ R.M.Housley e.a. Phys.Rev.1965.v138A. p.753.

нуқсонларнинг электр ва оптик активлиги табиатини тадқиқ қилиш» (2012-2015 йй) №01201255226 лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кристалл ва халькогенидли шишасимон ярим-ўтказгичларда қалайнинг зарядли марказлари ўртасидаги электрон алмашинуви табиатини Мессбауэр спектроскопияси усулида аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

тадқиқот учун $Pb_{1-x}Sn_xS$, $Pb_{1-x}Sn_xSe$ ва $(As_2Se_3)_{1-z}(SnSe)_{z-x}(GeSe)_x$ намуналарни олиш ва уларнинг миқдорий таркибини РФА усулида аниқлаш; халькогенидли шишасимон ярим-ўтказгичларнинг мессбауэр спектрини ўрганиш;

$As_{1-x}S$, $As_{1-x}Se$ ва $Ge_{1-x}S_x$, $Ge_{1-x}Se_x$ намуналарга киритилган қалай ҳосил қилган U^- – нуқсонлар ўртасидаги электрон алмашинув эҳтимоллигини оналик ядроси ^{119m}Sn ва ^{119}Sb бўлган ^{119m}Sn изомеридаги эмиссион мессбауэр спектроскопияси усулида аниқлаш;

$Pb_{1-x}Sn_xS$, $Pb_{1-x}Sn_xSe$ ва $PbSe$ намуналаридаги қалай ҳосил қилган U^- – нуқсонлар ўртасидаги электрон алмашинув механизмини ва фаоллашиш энергиясини эмиссион мессбауэр спектроскопияси ёрдамида аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти $Pb_{1-x}Sn_xS$, $Pb_{1-x}Sn_xSe$ ва $(As_2Se_3)_{1-z}(SnSe)_{z-x}(GeSe)_x$ намуналардан иборат халькогенидли шишасимон ярим-ўтказгичлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети кристалл ва шишасимон халькогенидли ярим-ўтказгичларда қалай марказлари ўртасидаги электронлар алмашинуви жараёни ҳамда эмиссион мессбауэр спектроскопияси ва рентгенофлуоресцент спектрлари анализидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. РФА, ЭМС ва АМС спектрларидан фойдаланиб намуналар таркиби, улардаги U^- –нуқсонлар ҳолатини аниқлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор $As_{1-x}Se$, $Ge_{1-x}Se_x$, $Ge_{1-x-y}As_xSe_x$, $(As_y(Ge_{1-z}Se_z)_{1-y})$ шишасимон қотишмалар ва $Pb_{1-x-y}Sn_xA_yS$ қаттиқ аралашмалар олинган ва уларнинг таркиби x , y , ва z параметрлар бўйича икки хил рентген флуоресцент усулида 0,1 мм чуқурликдан (секинлашган рентген нурлари билан) 0,1 мкм чуқурликкача (электронлар нурлар дастаси билан) аниқланган;

$(As_2Se_3)_{1-z}(SnSe)_{z-x}(GeSe)_x$ қотишмалар ва $Pb_{1-x-y}Sn_xA_yS$ ($A = Na, Tl$, $x = 0.01 \div 0.02$ ва 0.005) қаттиқ қотишмалар асосидаги айниган ва айнамаган кристалл халькогенидли кўрғошин ва шишасимон қотишмаларда қалай ҳосил қилган донорли U^- – нуқсонларда Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} зарядли ҳолатлар ўртасидаги электрон алмашинув $80 \div 900$ К ҳарорат оралиғида содир бўлиши аниқланган;

ҳарорат ортиши билан мессбауэр спетридаги Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} ҳолатларга мос келувчи чизиқларнинг яқинлашиши натижасида Sn_6^{3+} ҳолатга мос келувчи чизиқнинг ҳосил бўлмаслиги электрон алмашинув икки зарядли ҳолатлар ўртасида бир пайтда икки электроннинг кўчиши билан содир бўлиши кўрсатилган;

қалай ҳосил қилган донорли U^- – марказ типдаги зарядли ҳолатлар Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} ўртасидаги зарядлар алмашинуви модели доирасида $Pb_{1-x}Sn_xS_{1-z}Se_z$ қаттиқ қоришмани мессбауэр спектридаги Sn нинг марказий силжиши қоришма таркибига боғлиқлиги аниқланган;

шишасимон Ge_2S_3 , Ge_3Se_3 ва As_2S_3 , As_2Se_3 қотишмаларда қалайнинг амфотер U^- – нуқсонлардаги бир марта ионлашган Sn_6^{4+} донор марказ ва бир марта ионлашган Sn_3^{2+} акцептор марказлари ўртасида 480 К ҳароратгача электрон алмашинув содир бўлмаганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халькогенидли шишасимон яримўтказгичлар таркибининг намуна қалинлигига боғлиқ ҳолда секинлашган рентген нурлари ҳамда моноэнергетик электрон ёрдамида кўзғатилган флуоресценцияни рентгенофлуоресценцион анализ усулида аниқлашдан керакли таркибдаги ва электро-оптик хоссадаги яримўтказгичлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги ЭМС, АМС, ФЭС ва РФА каби замонавий тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг компьютерда қайта ишланганлиги, ўлчаш натижаларининг қайтарилувчанлиги, тадқиқот натижаларининг талқини халькогенидли шишасимон яримўтказгичлардаги киришма ҳолатларига замонавий ёндашилганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти PbS ва $PbSe$ намуналардаги донор U^- – нуқсонлар ҳисобланиб, Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} зарядли ҳолатлар ўртасидаги электрон алмашинувининг аниқланиши яримўтказгичларда U^- – нуқсонлар назариясини ривожлантиради ва бундай намуналарнинг электро-оптик хоссаларини U^- – нуқсон модели асосида тушунтириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида легирланган халькогенидли шишасимон яримўтказгичларнинг ток ташувчилар назариясини ишлаб чиқишда, шунингдек, керакли комплекс хоссали материаллар олиш технологиясини яратишда қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кристалл ва халькогенидли шишасимон яримўтказгичлардаги қалай ҳосил қилган зарядли ҳолатлар ўртасидаги электрон алмашинувини мессбауэр спектроскопияси усулидаги тадқиқотлари асосида:

зарядли ҳолатлар ўртасидаги электрон алмашилиши ва фаоллашилиши энергияси механизми «Тартибсиз яримўтказгичларнинг электрон системасида фазовий алмашилишларни тадқиқ қилиш (шишасимон материаллар, аморф юпка пардалар, наноструктуралар, кристаллар сирти)» илмий лойиҳада бир вақтда икки электронни кўчиши билан содир бўладиган ҳолатлар ўртасида электрон алмашинуви механизмини аниқлаштиришда фойдаланилган (А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университетининг 2018 йил 26 февралдаги маълумотномаси). Илмий

натижадан фойдаланиш қалай киришмасини PbS ва PbSe намуналарда ҳосил қилган Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} донорли U^- – нуксон ҳолатлар ўртасидаги икки электронли электрон алмашинув фаоллашув энергиясини аниқлашга имкон берган;

рентгенофлуоресцент анализ усули Россия Федерациясининг «КОМИТА» Ёпиқ акциядорлик жамиятида кристалл ва шишасимон қоришмалар таркибини аниқлашда фойдаланилган («КОМИТА» Ёпиқ акциядорлик жамиятининг 2018 йил 21 февралдаги маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш кенг ҳарорат соҳасидаги кристалл ва шишасимон материалларни танлаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 6 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинди ва муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича асосий илмий натижалар жами 13 та илмий ишда chop этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини chop этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 121 бетдан иборат.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, шунингдек, республикамиздаги фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан илмий тадқиқотнинг боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси халқаро журналларни таҳлили асосида келтирилган, мақсад ва масала ифодаланган, тадқиқот усули, предмети ва объекти аниқлаштирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очилган, натижаларнинг қўлланилганлиги тўғрисида қисқа маълумот ва ишларнинг апробацияси, шунингдек, диссертация тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг «Халькогенидли шишасимон яримўтказгичларда электронли жараёнлар муаммосини ўрганиш ҳолати мессбауэр спектроскопияси» деб номланган биринчи бобида кристалл ва шишасимон халькогенидли ярим ўтказгичларда қалайнинг зарядли олатлари ва асосий хоссаларига эътибор қаратилган.

Иккинчи боб «Кристалл ва шишасимон халькогенидли ярим-ўтказгичлар олиш ва улар таркибини рентгенофлуоресцент анализ усулида аниқлаш» деб номланиб, намуналар олиш технологияси, РФА тадқиқот усули баён қилинган, шунингдек, тадқиқ қилинадиган намуналарнинг миқдорий таркиби ва бир жинслилиги, кўрғошин халькогенидидаги қалай концентрацияси келтирилган.

Намуналарнинг таркиби (кристалл ва шишасимон) рентгенофлуоресцент анализ (РФА) спектрини ўрганиш асосида аниқланган. Ушбу усулнинг тизимли тузилиши 1-расмда келтирилган бўлиб, тадқиқ қилинадиган намуна рентген трубкасини секинлаштирилган нурлари билан ёки электронлар оқими билан нурлантириб, намунада қўзғатилган характеристик нурланиш (рентгенофлуоресценция) содир этилади ва детектор ёрдамида ўлчанади.




1-расм. Секинлашган рентген нурлари ёки электронлар дастаси билан қўзғатилган флуоресценция ёрдамида рентгенофлуоресцент анализ усулини амалга оширишнинг схемаси

Нурланиш интенсивлигининг спектрал тақсимоти таҳлил қилинади. Секинлаштирилган рентген нурлари ёрдамида қўзғатилган рентгенофлуоресцент спектрлари X–Art M спектрометри ёрдамида ўлчанган, бунда 30 кВ анод кучланиши остида Si(Li) блокда детекторланган, намуна юзаси 1 мм². Спектрометр Mg дан U гача киришмаларни 10⁻⁴ ат% дан аниқлай олади, барча тадқиқ қилинган намуналарда киришмалар мавжудлиги қайд этилмади.

Электрон нурлар дастаси ёрдамида қўзғатилган рентген флуоресцент спектри рентген нурланиши датчики INCA X–act ва Zeiss EVO40 растрли электрон микроскоп ёрдамида ўлчанади. Бирламчи электрон нур дастасининг энергияси 30 кэВ бўлиб, максимал ток 300 пА, ўлчанадиган сирт юзаси 30 нм². Намуна сирти зарядланишини олдининг олиш учун 20 нм қалинликдаги углерод қатлами билан қопланган. Спектрометр Be дан U гача киришмаларнинг мавжудлигини аниқлай олади.

Нишон моддалари бўлган мышьяк, германий, селен атомлари учун спектрнинг K_{α1,2} чизиқлари бирламчи нурланиш ютилишнинг чизиқли коэффицентларини ионлашиш кесими, флуоресценция чиқиши учун жадвал катталикларидан фойдаланиб ҳисобланган. Шунингдек, ўрганилаётган қатламнинг чуқурлиги баҳоланган, яъни секинлашган рентген нурлари билан нурлантирилганда (максимал энергия 30 кэВ) d ~ 0,1 мм гача, электрон нур дастаси билан нурлантирилганда d ~ 0,1 мкм гача бўлиши керак.

Рентгенофлуоресцентсион анализ спектрлари куйидагича қайта ишланган (AsSe мисолида). Флуоресценция спектридаги энг юқори интенсив чизиқлар Ge, As, ва Se нинг K-сериядаги чизиқларининг K_{α1} ва K_{α2} ташкил этувчиларига тўғри келади (2-расм).



2-расм. Мишьяк ва селеннинг шишасимон мишьяк селенидида рентген трубкасининг анод кучланиши 30 кВ да олинган рентгенофлуоресцент спектри. Мишьяк ва селеннинг $K_{\alpha 1}$ ва $K_{\alpha 2}$ ҳолати кўрсатилган

Спектрни қайта ишлаш компьютер программасидан фойдаланиб $K_{\alpha 1,2}$ линияга тўғри келган германий учун S_{Ge} , мишьяк учун S_{As} ва селен учун S_{Se} юзалар ҳисобланган. Қуйидаги муносабатлар; иккилик бирикмалар учун

$$x_{PFA} = \frac{S_{Se}}{S_{As} + S_{Se}} (As_{1-x}Se_x \text{ учун}), \quad (1.1)$$

$$x_{PFA} = \frac{S_{Se}}{S_{Ge} + S_{Se}} (Ge_{1-x}Se_x \text{ учун}), \quad (1.2)$$

учлик бирикмалар учун;


$$x_{PFA} = \frac{S_{Se}}{S_{Ge} + S_{As} + S_{Se}}, \quad (1.3)$$

$$y_{PFA} = \frac{S_{As}}{S_{Ge} + S_{As} + S_{Se}} \quad (1.4)$$

$$z_{PFA} = \frac{S_{Se}}{S_{Ge} + S_{Se}} \quad (1.5)$$


дан фойдаланиб ҳар бир моддага тўғри келган спектрнинг нисбий юзаси аниқланган $Ge_{1-x-y}As_ySe_x$ ёки $As_y(Ge_{1-z}Se_z)_{1-y}$ учун «РФА» индекс x , y , ва z катталиклар рентгенофлуоресцент анализ спектри қайта ишланганлигини билдиради, x_{PFA} , y_{PFA} ва z_{PFA} катталикларнинг ўртача квадратик четлашиши $\pm 0,0002$ дан ортмайди. Экспресс анализ устунлиги $x = f(x_{PFA})$ боғланиш чизиқли эканини таъкидлаймиз (3а-расм). Аммо баъзи бир намуналар учун $x = f(x_{PFA})$ функциянинг чизиқли боғлиқлиги кузатилмайди. Шу сабали тажриба натижаларини бир қийматли талқин қилиш учун барча боғланишлар квадратик кўпхадлар шаклида ифода қилинган.

$\text{Ge}_{1-x-y}\text{As}_y\text{Se}_x$ намуналари учун секинлаштирилган рентген нурлари ёрдамида кўзгатилиб олинган тажриба натижалари ҳам кўпчилик ҳолларда калибрли боғланиш графигига яхши тушади. Аммо, баъзи бир намуналарда олинган натижалар графикдан анча четлашишини кўриш мумкин (3б-расм).



3-расм. $\text{Ge}_{1-x-y}\text{As}_y\text{Se}_x$ шишасимон қотишмалар учун $x = f(x_{PFA})$ калибрланган боғланиш (узлуксиз чизик) учта нуқта орқали чизилган (қора квадратлар репер сифатида $\text{Ge}_{0.3333}\text{As}_{0.3333}\text{Se}_{0.3333}$ олинган) (а) намуна нишонлари электронлар билан нурлантирилган, (б) секинлашган рентген нурлари ёрдамида ўлчанган. Спектр $U = 30$ кВ кучланишда ўлчанади.


Ушбу муаммони ҳал қилиш учун намуна таркибини $\text{Ge}_{1-x-y}\text{As}_y\text{Se}_x$ кўринишда эмас, балки $\text{As}_y(\text{Ge}_{1-z}\text{Se}_z)_{1-y}$ кўринишда олишни тавсия қилдик. Таклиф қилинган ҳол учун олинган тажриба натижалари $y = f(y_{PFA})$ ва $z = f(z_{PFA})$ калибрли боғланиш графигига оғишларсиз мос келишини кузатиш мумкин (4 а, б-расм).



4-расм. $\text{As}_y(\text{Ge}_{1-z}\text{Se}_z)_{1-y}$ шишасимон қотишмалар учун $z = f(z_{PFA})$ калибрланган боғланиш (узлуксиз чизик) учта нуқта орқали чизилган (қора квадратлар репер сифатида $\text{Ge}_{0.3333}\text{As}_{0.3333}\text{Se}_{0.3333}$ олинган), (а) намуна нишонлари электронлар билан нурлантирилган, (б) секинлашган рентген нурлари ёрдамида ўлчанган. Спектр $U = 30$ кВ кучланишда ўлчанади.


«Халькогенидли шишалардаги қалай марказлари ўртасидаги электрон алмашинув» деб номланган учинчи бобда Мессбауэр тадқиқоти асослари ва унинг асосий параметрлари, эмиссион Мессбауэр спектроскопияси усули ва халькогенидли шишаларда электрон жараёнлар келтирилган. Мессбауэр спектрлари SM 4201 TERLAB маркали спектрометрда олинган,

спектрометр абсорбицион ва эмиссион Мессбауэр спектрларини олишга мўлжалланган.



5-расм. Мессбауэр спектрометрнинг тузилиш схемаси.


Эмиссион Мессбауэр спектрлари оналик ядроси $^{119\text{m}}\text{Sn}$ ва ^{119}Sb бўлган $^{119\text{m}}\text{Sn}$ изомерда сульфид ва селенид, мышьяк ва германийлар учун олинди (6-расм). Спектрлар Sn_6^{4+} марказга тўғри келувчи синглет ва Sn_3^{2+} марказга тўғри келувчи дублетлардан иборат бўлиб, тўрт валентли қалай (Sn_6^{4+}) га тўғри келувчи нисбий интенсивлик қотишни тоблаш ҳарорати ва тезлиги ортиши билан ортиб бормоқда. Ушбу ҳолатни икки валентли (Sn_3^{2+}) қалайнинг Мессбауэр коэффиценти ҳароратга кучли боғланганлиги билан тушунтириш мумкин.



6-расм. $(\text{As}_2\text{Se}_3)_{0.3}(\text{GeSe})_{0.6}(\text{SnSe})_{0.1}$ шишасимон қотишмаси турли ҳароратлардаги эмиссион Мессбауэр спектрлари $^{119\text{m}}\text{Sn}$ ($^{119\text{m}}\text{Sn}$) изомерида олинган. Sn_3^{2+} ва Sn_6^{4+} марказларга тўғри келувчи квадрупол дублет ва синглет кўрсатилган.

Аммо 80÷480 К оралиғида олинган спектрларда қалайнинг Sn_6^{4+} ва Sn_3^{2+} зарядли ҳолатлари мавжуд бўлиб, спектрал чизиқлар оралиғи ҳароратга боғлиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат халькогенли шишасимон сульфидли ва селенили мышьяк ва германийлар структурасидаги Sn_6^{4+} ва Sn_3^{2+} зарядли ҳолатлар ўртасида электрон алмашинуви содир бўлмаслигини кўрсатади. Бунинг асосий сабабларидан бири икки ва тўрт валентли қалай атомларининг турли координацион ҳолатларда бўлишидир.

«Халькогенидли кўрғошиндаги қалай марказлари ўртасидаги электрон алмашинув» деб номланган тўртинчи бобда сульфид ва селинид кўрғошиндаги U^- – нуқсонлар ўртасида электрон алмашинув, оналик ядроси $^{119\text{mm}}\text{Sn}$ бўлган $^{119\text{m}}\text{Sn}$, оналик ядроси ^{119}Sb бўлган $^{119\text{m}}\text{Sn}$ изомерида олинган эмиссион мессбауэр спектрлари, $\text{Pb}_{1-x-y}\text{Sn}_x\text{Na}_y\text{S}_z\text{Se}_{1-z}$ қаттиқ қоришмалардаги U^- – нуқсонлар ўртасида электрон алмашинув жараёни келтирилган Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} марказлар ўртасидаги электрон алмашинувни қайд этиш учун танлаб олинган намуналарда бир вақтнинг ўзида ҳар икки заряд мавжуд бўлиши керак. Бундай намуналар таркиби $\text{Pb}_{0.96}\text{Sn}_{0.02}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{S}$, $\text{Pb}_{0.99}\text{Sn}_{0.05}\text{Na}_{0.05}\text{S}$, $\text{Pb}_{0.965}\text{Sn}_{0.015}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{Se}$ ва $\text{Pb}_{0.988}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.007}\text{Se}$ $\text{Pb}_{0.96}\text{Sn}_{0.02}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{S}$ нисбатда олинган бўлиб, Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} зарядли ҳолатларнинг зичликлари тақрибан бир хилдир. Оналик ядроси $^{119\text{mm}}\text{Sn}$ бўлган $^{119\text{m}}\text{Sn}$ изомерида олинган Мессбауэр спектрлари 80÷295 К ҳарорат оралиғида иккита бир хил интенсивликдаги синглетларнинг суперпозициясидан иборат бўлиб ва ҳар икки синглет аппарат кенглигида ўлчанган. Марказий синглетларнинг силжиши Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} марказларга тўғри келади (7 а, б – расм).




7-расм. $\text{Pb}_{0.965}\text{Sn}_{0.015}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{Se}$ ва $\text{Pb}_{0.988}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.007}\text{Se}$ намуналарнинг оналик ядроси $^{119\text{mm}}\text{Sn}$ бўлган $^{119\text{m}}\text{Sn}$ изомерида 80÷600 К ҳарорат оралиғида олинган мессбауэр спектрларнинг Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} линиялари кўрсатилган.

Эътиборга оладиган асосий факт спектрларда бир марта ионлашган Sn_6^{3+} марказга тўғри келувчи чизиқнинг йўқлигидир. Демак, қалай PbS ва PbSe нинг кристалл панжараларида U^- – нуқсонлар ҳосил қилар экан. Ҳарорат ортиб бориши билан $\text{Pb}_{0.965}\text{Sn}_{0.015}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{Se}$ ва $\text{Pb}_{0.988}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.007}\text{Se}$ намуналарда Sn_6^{2+} ҳолатга тўғри келувчи чизиқ интенсивлиги камайиб боради. Бу жараённинг юзага келишини икки валентли (Sn_6^{2+}) қалай учун

мессбауэр коэффицентининг ҳароратга кучли боғланганлиги билан (тўрт валентли Sn_6^{4+} га нисбатан) тушунтириш мумкин. Мессбауэр спектрида $\text{Pb}_{0.965}\text{Sn}_{0.015}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{Se}$ ва $\text{Pb}_{0.988}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.007}\text{Se}$ намуналарида ҳарорат ортиб бориши билан Sn_6^{4+} ҳолатга тўғри келувчи чизик интенсивлигининг камайиши ҳам кузатилди. Бу натижа юқорида келтирилган фикрга зиддир, яъни икки валентли қалайнинг Мессбауэр коэффиценти ҳароратга кучли боғланишига қараганда тўрт валентли қалайнинг Мессбауэр коэффиценти ҳароратга кучсизроқ боғланган деб ҳисобланишига зид. Бу аномал эффектни селенид кўрғошиннинг валент соҳаси яқинидаги қалай ҳосил қилган сатҳлар ўзгариши билан боғлиқ дейишимиз мумкин. Чунки сатҳлар ҳолатининг ҳароратга боғлиқ ўзгариши Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} ҳолатларни қайта тақсимланишига олиб келади.

Барча $\text{Pb}_{0.96}\text{Sn}_{0.02}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{S}$, $\text{Pb}_{0.99}\text{Sn}_{0.05}\text{Na}_{0.05}\text{S}$ ва $\text{Pb}_{0.965}\text{Sn}_{0.015}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{Se}$, $\text{Pb}_{0.988}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.007}\text{Se}$ намуналар учун ҳароратнинг ортиб бориши мессбауэр спектрларининг Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} тўғри келувчи синглет чизикларининг яқинлашувига, уларнинг кенгайишига ва ягона, яъни марказий силжиши қалайнинг уч валентли (Sn_6^{3+}) ҳолатига олиб келувчи чизикнинг пайдо бўлишига олиб келишини кузатиш мумкин.

Демак спектрларнинг ҳолати икки валент ҳолат ўртасидаги электрон алмашинуви натижасида юзага келган жараёни акс эттирувчи спектрларга хосдир, ушбу ҳолатда Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} ўртасида электрон алмашинув механизми амалга ошади. Ушбу алмашинув механизмини тўлиқроқ ёритиш учун электрон алмашинув частотасининг турли ҳароратларда олинган спектрларини $N(\nu)$ кичик квадратлар усулида, яъни детекторни санаш



8-расм. Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} марказлар ўртасида электрон алмашинув частотасининг ҳароратга боғлиқлиги: 1 – таркибида $^{119}\text{mm}\text{Sn}$ мавжуд

$\text{Pb}_{0.965}\text{Sn}_{0.015}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{Se}$;

2 – таркибида $^{119}\text{mm}\text{Sn}$ мавжуд

$\text{Pb}_{0.988}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.007}\text{Se}$;


3 – таркибида ^{119}Sb мавжуд PbSe .

тезлиги N ни манбанинг тезлиги V га боғлиқ спектрлари қайта ишланди. Спектрларни қайта ишлаш натижасида олинган Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} ҳолатлар ўртасидаги электрон алмашинув частотасининг $\nu = \tau^{-1}$ ҳароратга боғлиқлик графиги 8-расмда келтирилган. Келтирилган график асосида аниқланган Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} ҳолатлар ўртасидаги электрон алмашинувини фаоллашиш энергияси сульфид ва селенид кўрғошин учун мос равишда 0.11(2)эВ ва 0.066(10)эВ ни ташкил қилиб, қалайнинг концентрациясига боғлиқ эмаслиги аниқланди.

Демак, PbS ва PbSe намуналаридаги қалай киришмалари концентрациясининг камлигини ($\ll 10^{17} \text{ см}^{-3}$) ҳисобга олиб, электрон алмашинув валент соҳасидаги ҳолатлар орқали амалга оширилади, мессбауэр спектридаги Sn_6^{3+} ҳолатнинг йўқлиги бу алмашинув бир вақтда икки электроннинг кўчиши билан содир бўлади деб хулоса қилишга олиб келади. Бундан ташқари U^- нуқсонлар зарядли ҳолатининг ва мессбауэр спектридаги марказий силжишнинг қаттиқ қоришма таркибига боғлиқлиги ўрганилган.

Қалайни $\text{PbS}_z\text{Se}_{1-z}$ каби қаттиқ қоришмаларда донор киришма сифатида қаралади, шунинг учун $\text{Pb}_{1-x-y}\text{Sn}_x\text{Na}_y\text{S}_z\text{Se}_{1-z}$ каби электронли қаттиқ қоришмаларда химик потенциал ўтказувчанлик соҳасининг тубида жойлашгани учун қалайнинг нейтрал ҳолатини кузатиш мумкин.

Компенсирланган ковакли $\text{Pb}_{1-x-y}\text{Sn}_x\text{Na}_y\text{S}_z\text{Se}_{1-z}$ каби намуналарда химик потенциал валент соҳа чўққисида жойлашгани учун қалайнинг ионлашган зарядли марказлари кузатилади.




9-расм. $\text{Pb}_{0.995}\text{Sn}_{0.005}\text{S}_z\text{Se}_{1-z}$ (а) ва $\text{Pb}_{0.975}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{S}_z\text{Se}_{1-z}$ (б) қаттиқ қоришмалардаги $^{119\text{mm}}\text{Sn}(^{119\text{m}}\text{Sn})$ киришма атомларини эмиссион мессбауэр спектри (80 К ҳароратда).

Ҳар икки турдаги намуналарда мессбауэр спектрида киришма атомлари $^{119\text{mm}}\text{Sn}(^{119\text{m}}\text{Sn})$ аппарат кенглигидаги фақат биттадан чизикларни ҳосил қилади. Бу чизикларнинг марказий силжиши намуна таркиби Z га боғлиқ ҳолатлар учун ($S = 3.75 - 3.55 \text{ мм/с}$) ва ($S = 1.25 - 1.55 \text{ мм/с}$) оралиқларга тўғри келади.

$\text{Pb}_{0.995}\text{Sn}_{0.005}\text{S}_z\text{Se}_{1-z}$ ва $\text{Pb}_{0.975}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{S}_z\text{Se}_{1-z}$ намуналар учун мессбауэр спектрини қуйидагича тушунтириш мумкин: киришма қалай атомлари $\text{PbS}_z\text{Se}_{1-z}$ қаттиқ қоришмадаги кубсимон панжарадаги кўрғошин атомлари билан алмашинади ва икки электронли донор ҳолат ҳосил қилади. Демак, мессбауэр спектридаги қалайнинг икки валентли Sn_6^{2+} ҳолати нейтрал ҳолатдаги қалай марказига, тўрт валентли Sn_6^{4+} эса икки карра ионлашган ҳолатдаги қалай марказига тўғри келади (9 а, б-расм).

Мессбауэр спектрида ҳар икки ҳолат, яъни Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} қатнашган намуналар олиш учун $\text{Pb}_{1-x-y}\text{Sn}_x\text{Na}_y\text{S}_z\text{Se}_{1-z}$ қаттиқ қоришмасидаги қалай концентрацияси N_{Sn} ва акцептор концентрацияси N_A ни керакли нисбатда ўзгартириб, керакли интенсивликдаги Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} ҳолатлар учун чизикларни олиш мумкин.


Қисман компенсацияланган намуналарнинг мессбауэр спектрида уч валентли қалайга (Sn_6^{3+}) мос келадиган чизикнинг йўқлиги қалай $\text{PbS}_z\text{Se}_{1-z}$ каби қоришмаларда манфий корреляцион энергияли икки электронли донор марказлар ҳосил қилишини намоён этади.



10-расм. $\text{Pb}_{0.99}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.005}\text{S}_{0.5}\text{Se}_{0.5}$ қаттиқ қоришмаларнинг турли ҳароратларда изомеридаги эмиссион мессбауэр спектрлари Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} ҳолатларга тўғри келувчи чизиклар кўрсатилган.

Оналик ядроси $^{119\text{m}}\text{Sn}$ бўлган $^{119\text{mm}}\text{Sn}$ изомерида олинган мессбауэр спектрида паст ҳароратларда аппарат кенглигидаги икки чизик суперпозициясидан иборат бўлиб, марказий силжишлар Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} марказларга тўғри келади (10-расм).

Турли ҳароратга тўғри келувчи спектрлардан кўриниб турибдики, ҳарорат ортиши билан Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} чизиклар кенгайиб ўзаро яқинлашади ва ушбу спектрлар Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} икки ҳолат ўртасидаги электрон алмашинувнинг яққол манзарасини намоён қилади. Электрон алмашиниш частотасини аниқлаш учун тажрибада олинган спектрлар кичик квадратлар усули билан қайта ишланди. Олинган натижалар, яъни $\text{PbS}_z\text{Se}_{1-z}$ қаттиқ қоришмалардаги Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} марказлар ўртасидаги электрон алмашинув



11-расм. $\text{PbS}_z\text{Se}_{1-z}$ каттик қорышмалардаги Sn_6^{2+} и Sn_6^{4+} марказлар ўртасидаги электрон алмашинув частотасининг ҳароратга боғлиқлиги (z нинг қиймати мос чизик остида).

0,05 (1) эВ ($z=0$) (ушбу энергия PbSe даги қалайнинг U^- -марказлари корреляцион энергиясига деярли тенг) гача пасаяди.

частотасининг ҳароратга боғлиқлиги 11-расмда келтирилган. Графикдан кўриниб турибдики, электрон алмашинувнинг активлашиш энергияси қаттиқ қорышма таркибига боғлиқ экан.

11-расмда кўрсатилган графикдан кўриниб турибдики, қорышма таркибини характерловчи катталик z нинг қиймати 0-0.3 оралиқда ўзгарганда электрон алмашинув жараёнининг активлашиш энергияси деярли ўзгаришсиз қолади ва деярли 0.05 эВ атрофида бўлади. Аммо z нинг 0.3-1.0 оралиқдаги қийматида эса электрон алмашинувнинг активлашиш энергияси 0,11 (1) эВ ($z=1$) дан (ушбу энергия PbS нинг тақик соҳасидаги қалайнинг ёпишиш сатҳлари энергетик чуқурлигига деярли тенг)

ХУЛОСА

Мессбауэр методи асосида кристалл ва шишасимон халькогенидли яримўтказгичларда кўп валентли қалай марказлариаро электронлар алмашинувини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. $\text{As}_{1-x}\text{Se}_x$, $\text{Ge}_{1-x}\text{Se}_x$ ва $\text{Ge}_{1-x-y}\text{As}_y\text{Se}_x$, $\text{As}_y(\text{Ge}_{1-z}\text{Se}_z)_{1-y}$, $\text{Pb}_{1-x}\text{Sn}_x\text{S}$ $\text{Pb}_{1-x}\text{Sn}_x\text{S}$ шишасимон қотишмалар таркиби рентгенофлуоресцент анализ усулида $\pm 0,0002$ аниқликда x , y ва z параметрлар бўйича сиртидан 0,1 мм чуқурликдан (секинлашган рентген нурларида флуоресценциявий кўзғатиш билан) 0,1 мкм чуқурликкача (электронлар дастаси ёрдамида флуоресценциявий кўзғатиш билан) аниқланди.

2. Шишасимон Ge_2S_3 , Ge_3Se_3 ва As_2S_3 , As_2Se_3 қотишмаларда қалайнинг амфотер U^- – нуқсонлари (бир марта ионлашган Sn_6^{4+} донор марказ ва бир марта ионлашган Sn_3^{2+} акцептор марказлари) ўртасида 480 К ҳароратгача электрон алмашинув содир бўлмаганлиги аниқланди ва бу ҳолат қалайнинг икки валентли ва тўрт валентли марказлари турли координацион ҳолатларда жойлашганлиги билан тушунтирилди.

3. Эмиссиявий мессбауэр спектроскопияси усули ёрдамида $^{119\text{m}}\text{Sn}$ изомерида оналик ядролари $^{119\text{mm}}\text{Sn}$ ва ^{119}Sb лардан фойдаланиб қисман компенсирланган айнамаган ковакли $\text{Pb}_{0.97}\text{Sn}_{0.01}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{S}$ ва

$\text{Pb}_{0.99}\text{Sn}_{0.05}\text{Na}_{0.05}\text{S}$ намуналарда $80\div 900$ К ҳароратлар оралиғида, айниган ковакли $\text{Pb}_{0.965}\text{Sn}_{0.015}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{Se}$ ва $\text{Pb}_{0.988}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.005}\text{Tl}_{0.007}\text{S}$ намуналарда $80\div 600$ К ҳароратлар оралиғида қалайнинг донор U^- –нуқсонларидаги Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} марказлар ўртасидаги икки электронлар иштирокидаги алмашинув жараёни аниқланди.

4. Фақат Sn_6^{4+} ёки Sn_6^{2+} марказлар мавжуд бўлган намуналарда мессбауэр спектрида релятивистик доплер силжишининг ҳароратий силжишига мос келувчи ҳарорат ўзгариши билан ўзгарувчи марказий силжишли синглет аниқланди.

5. Бир вақтнинг ўзида Sn_6^{4+} ва Sn_6^{2+} мавжуд намуналарда ҳарорат ортиши билан мессбауэр спектридаги Sn_6^{4+} ва Sn_6^{2+} марказларга тўғри келган чизикларнинг яқинлашиши ва уларнинг кенгайиб бориши кузатилди, бу ҳодиса Sn_6^{4+} ва Sn_6^{2+} ҳолатлар ўртасида электрон алмашинуви жараёнининг ҳароратга боғлиқлигини исботлайди.

6. $\text{Pb}_{0.96}\text{Sn}_{0.02}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{S}$ ва $\text{Pb}_{0.99}\text{Sn}_{0.05}\text{Na}_{0.05}\text{S}$ намуналарда $80\div 900$ К ҳароратлар оралиғида ҳамда $\text{Pb}_{0.965}\text{Sn}_{0.015}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{Se}$ ва $\text{Pb}_{0.988}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.007}\text{Se}$ намуналарда $80\div 600$ К ҳароратлар оралиғида $^{119\text{m}}\text{Sn}$ изомерли оналик ядроси $^{119\text{mm}}\text{Sn}$ ва $^{119\text{m}}\text{Sn}$ бўлган мессбауэр спектрида оралик Sn_6^{3+} зарядли ҳолат чизигининг мавжуд эмаслиги Sn_6^{4+} ва Sn_6^{2+} ҳолатлар ўртасидаги алмашинув бир вақтда икки электронлар кўчиши орқали содир бўлишини кўрсатди.

7. $\text{Pb}_{0.96}\text{Sn}_{0.02}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{S}$ ва $\text{Pb}_{0.99}\text{Sn}_{0.05}\text{Na}_{0.05}\text{S}$ намуналарда $80\div 900$ К ҳароратлар оралиғида ҳамда $\text{Pb}_{0.965}\text{Sn}_{0.015}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{Se}$ ва $\text{Pb}_{0.988}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.007}\text{Se}$ намуналарда $80\div 600$ К ҳароратлар оралиғида Sn_6^{2+} ва Sn_6^{4+} ҳолатларнинг яшаш вақти $6\cdot 10^{-4}$ с дан 10^{-9} с гача камайиши аниқланди.

8. $\text{Pb}_{0.96}\text{Sn}_{0.02}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{S}$ ва $\text{Pb}_{0.99}\text{Sn}_{0.05}\text{Na}_{0.005}\text{S}$ намуналардаги Sn_6^{4+} ва Sn_6^{2+} ҳолатлар ўртасидаги электрон алмашинув активлашиш энергияси 0.11(2) эВни (бу $\text{Pb}_{1-x-y}\text{Sn}_x\text{A}_y\text{S}$ учун Ферми сатҳидан валент соҳасининг чўққисигача бўлган энергетик ораликка тенг) ташкил этса, $\text{Pb}_{0.965}\text{Sn}_{0.015}\text{Na}_{0.01}\text{Tl}_{0.01}\text{Se}$ ва $\text{Pb}_{0.988}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.007}\text{Se}$ намуналар улар алмашинувнинг активлашиш энергияси 0.066(10) эВ эканлиги аниқланди. Аниқланган активлашиш энергияларининг қийматлари қалай концентрациясини $\ll 10^{17}$ ат/см³ қийматларида ўзгармаслиги келтирилди ва бу электрон алмашинув жараёнига валент соҳадаги ҳолатлар жалб этилганлигини кўрсатди.

9. $^{119\text{mm}}\text{Sn}(^{119\text{m}}\text{Sn})$ ва $^{119}\text{Sb}(^{119\text{m}}\text{Sn})$ изотопларда эмиссион мессбауэр спектроскопияси усулида $\text{PbS}_z\text{Se}_{1-z}$ каби каттиқ қоришмаларда қалай атоми кўрғошин атоми билан ўрин алмашиши ва манфий корреляцион энергияли (U^- – марказлар) икки электронли донор бўлиши, шунингдек, қалай киришмаси атомлари билан боғлиқ энергетик сатҳлар $z \geq 0,5$ да тақиқланган соҳанинг пастки ярида, $z \leq 0,4$ да эса валент соҳанинг рухсат этилган ҳолатлар фонида жойлашиши кўрсатилди.

10. Қисман компенсацияланган $\text{Pb}_{0.99}\text{Sn}_{0.005}\text{Na}_{0.005}\text{S}_z\text{Se}_{1-z}$ қаттиқ қоришмаларда қалайнинг нейтрал ва икки марта ионлашган U^- – марказлари ўртасида электрон алмашинув жараёни тадқиқ қилинди, ушбу жараёнда активлашиш энергияси $z = 1$ таркиб учун $0.111(5)$ eV дан $z = 0$ таркиб учун $0,05(5)$ eV гача камайиши ва z нинг барча қийматлари учун бу алмашинув валент соҳадаги локаллашмаган ҳолатлар иштирокида бир пайтда икки электроннинг кўчиши билан содир бўлиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.02.2018.FM.60.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАН

БОБОХУЖАЕВ КУДРАТ УМАРОВИЧ

**МЕССБАУЭРОВСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЭЛЕКТРОННОГО
ОБМЕНА МЕЖДУ ЦЕНТРАМИ ОЛОВА В КРИСТАЛЛИЧЕСКИХ И
СТЕКЛООБРАЗНЫХ ХАЛЬКОГЕНИДНЫХ ПОЛУПРОВОДНИКАХ**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИХ НАУК**

АНДИЖАН – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/FM38.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.adu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Зайнабидинов Сирожидин

доктор физико-математических наук, академик

Официальные оппоненты:

Тураев Эргаш Юлдашевич

доктор физико-математических наук, профессор

Дадамирзаев Мухаммаджон Гуломкодилович

доктор физико-математических наук

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.28.02.2018.FM.60.01 при Андижанском государственном университете. Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университет, дом 129. Зал конференций Андижанского государственного университета Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного университета (зарегистрирована за № ____). Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университет, дом 129. зал конференций Андижанского государственного университета. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 г.
(протокол рассылки № _____ от «___» _____ 2018 г.).

Р.Алиев

Заместитель председателя научного совета по
присуждению ученой степени, т.-ф.д., профессор

А.О. Курбанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, к.ф.-м.н.

И.А. Каримов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученой степени, д.ф.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В бурно развивающемся направлении физики полупроводников сегодня одной из перспективных областей является создание приборов на основе полупроводниковых материалов и разработка современных неразрушающих экспрессных методик определения количественного состава этих материалов. В этом аспекте Мессбауэровское исследование электронного обмена между центрами олова в кристаллических и стеклообразных халькогенидных полупроводниках является одной из важнейших задач.

На сегодняшний день в мире большое внимание обращается на физические процессы в халькогенидных стеклообразных полупроводниках, в том числе важнейшими задачами являются реализации целевых научных исследований по: разработке технологии получения кристаллов $(\text{As}_2\text{Se}_3)_{1-z}(\text{SnSe})_{z-x}(\text{GeSe})_x$, $\text{Pb}_{1-x}\text{Sn}_x\text{S}$, $\text{Pb}_{1-x}\text{Sn}_x\text{Se}$ легированных оловом; реализация неразрушающих методов определения количественного состава кристаллических и стеклообразных халькогенидных полупроводников с использованием рентгенофлуоресцентного анализа и усовершенствование; изучение микроскопических параметров примесных двухэлектронных центров олова в халькогенидах свинца.

В нашей стране получены заметные результаты в приоритетных направлениях науки, в том числе, по «Развитию использования источников возобновляемой энергии», в исследованиях кристаллических и стеклообразных халькогенидных полупроводниках. В стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан уделено особое внимание развитию научных исследований и инновационной деятельности, задачам создания эффективных механизмов внедрения в практику научных и инновационных достижений, в том числе исследование халькогенидных стеклообразных полупроводников и на их основе создаются новые материалы для различных областей электроники.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-1442 «О приоритетных направлениях развития индустрии Республики Узбекистан на 2011-2015 гг.» от 15 декабря 2015 года, №УП-4947 «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года и №ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организаций, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и

технологий: «III. Развитие использования источников возобновляемой энергии».

Степень изученности проблемы. Халькогенидные стеклообразные полупроводники, в частности, халькогениды свинца, легированные оловом, в последние годы по-прежнему являются предметом многочисленных исследований.

Впервые Л.В.Прокофьев и его сотрудники для твердых растворов $Pb_{1-x}Sn_xS$ и $Pb_{1-x}Sn_xSe$, легированных натрием, получили зависимость концентрации носителей тока от содержания олова и при этом обнаружили изменение кинетических свойств дырок. Такие подобные свойства были исследованы С.А.Немовым и Ю.И.Равичем, примесь таллия А.И. Арташкиным и другими, примесь ваннадия В.М.Мастеровым и Ф.С. Насреддиновым, примесь олова в халькогенидах свинца и теллура.

Несмотря на большое число экспериментальных и теоретических исследований, вопрос, связанный с аномальным поведением примесей в полупроводниках, остаётся нерешённым. В первую очередь, это связано с тем, что прямых методов исследования примесных атомов в полупроводниках (т.е. методов, позволяющих определять зарядовое состояние примесных атомов, их положение в матрице, симметрию их локального окружения) не много, а их возможности в применении к стеклообразным полупроводникам ограничены.

В своих исследованиях для определения зарядовых состояний, то есть валентности атомов А.Д.Ф.Бойл¹, С.Нохенемсер² и Р.М.Хоссли³ применили Мессбауэровскую спектроскопию.

До сегодняшнего дня, учеными Санкт-Петербурга (Россия) под руководством Г.А.Бордовского и профессором П.П.Серегиним изучены ряд свойств зарядовых состояний примесных атомов в халькогенидных полупроводниках методом Мессбауэровской спектроскопии.

Однако, несмотря на многочисленные работы до конца не объяснено необыкновенное поведение олова в различных температурах в одном образце, электронный обмен между состояниями и между нейтральными и двукратно ионизованными U^- – центрами олова, отсутствие промежуточного зарядового состояния в больших температурных интервалах в олово-содержащих халькогенидных стеклообразных полупроводниках.

